

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**ФарДУ.
ИЛМИЙ
ХАБАРЛАР-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 4 марта чиқади

2-2016
ИЮНЬ

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 4 раза в год

УДК: 950

ФАРҒОНА - АРАБЛАР БОСҚИНИ ДАВРИДА

Р.А.Арслонзода, С.Б.Юлдашев

Аннотация

Мақолада илк мартаба тарихий манбалар ва адабиётларга асосланган ҳолда араблар истилоси даврида Фарғона водийсида кечган сиёсий жараёнлар тадқиқ этилган.

Аннотация

В статье, на основе анализа исторических источников и литературы, впервые исследуются политические процессы в Ферганской долине в период арабского нашествия.

Annotation

In the article based on historical sources for the first time political processes in Ferghana valley during Arab invasion are examined.

Таянч сўз ва иборалар: Фарғона, Турк хоқонлиги, Араб халифалиги, ихшид, элтабар, тудун, араблар босқини, коалиция, Яздигард III, Инал хоқон, Алутар, Арслон тархон, Гурак, Деваштич, ноиб, вассал, Кутайба, Саид ал-Хараший, ислом, Карзанч, Талос жанги, шимолий ихшидлик, жанубий подшолик, Рофе ибн Лайс.

Ключевые слова и выражения: Фергана, Тюркский каганат, Арабский халифат, ихшид, элтабар, тудун, арабское нашествие, коалиция, Яздигард III, Инал хакан, Алутар, Арслан тархан, Гурак, Деваштич, наместник, вассал, Кутейба, Саид ал-Харашии, ислам, Карзанч, битва при Таласе, северное царство, южное царство, Рафи ибн Лейс.

Key words and word expressions: Fergana, Turkish caganat, Arab khalifat, ihshid, eltabar, tudun, Arab invasion, coalition, Yazdigard III, Inal khakan, Alutar, Arslan tarkhan, Gurak, Devashtich, vicegerent, vassal, Kutaiba, Said al-Kharashi, islam, Karzanch, battle under Talas, nothem kingdom, southern kingdom, Rafi ibn Lase.

Араблар истилоси даврида Фарғона водийсида рўй берган ижтимоий-сиёсий жараёнлар тарих фанида етарли даражада ўрганилмаган. Таниқли тарихчи олим А.Н.Бернштам "Қадимги Фарғона" номли илмий-оммабоп рисоласида ушбу масалага қисқача тўхталиб ўтган, ҳолос [4.22-27]. Мавзуга доир бошқа махсус тадқиқотлар ҳозирча йўқ. Бизнингча, бу ҳол ушбу масалага доир ёзма манбаларнинг нисбатан озлиги билан изоҳланади. Шундай бўлса-да, VII-VIII асрларда Фарғонада кечган сиёсий воқеалар маълум даражада Муғ тоғидан топилган суғд архиви ҳужжатларида, Фарғонага ташриф буюрган корейлик будда роҳибии Хуэй Чаонинг "Вангу тьянжу чжуан" ("Ҳиндистондаги бешта давлатга қилинган сафар баёни"), хитойлик ҳарбий саркарда Ду Хуаннинг "Ду Хуан джингшинг джи" ("Ду Хуаннинг борган жойлари хотиралари"), Табарийнинг "Тарих ар-расул ва-л-мулук" ("Пайғамбарлар ва подшоҳлар тарихи"), Балазурийнинг "Китоб футуҳ ал-булдон" ("Мамлакатларнинг фатҳ этилиши китоби"), шунингдек, Наршахий, Ибн Ҳавқал, ал-Истахрий асарларида ўз аксини топган.

Маълумки, VI асрнинг иккинчи ярмида Турк хоқонлиги Ўрта Осиё, шу жумладан Фарғона водийсини ҳам забт этган эди. Аммо турк хоқонлари дастлаб бу ҳудудда бевосита ўз ҳукмронлигини ўрнатмай, Эфталлийлар сингари ҳар бир вилоятда ҳукм сурган маҳаллий

сулолаларни ўзларига тобе этиш билан чекландилар. Маҳаллий ҳукмдорлар турк хоқонининг вассали бўлиб, ҳар йили унга белгиланган миқдорда ўлпон тўлар эдилар.

Қадим замонларда Паркана, Даван, Дайюан номлари билан аталган бу диёр илк Ўрта асрлар даврига тааллуқли суғд манбаларида Фарағана, Фрағана, хитой солномаларида эса Фейхан, Бохан, Паханна номлари билан тилга олинади.

VII асрнинг бошларида Фарғонани "ихшид" унвонига эга бўлган маҳаллий сулола вакиллари идора қилганлар. Шунинг ҳам эслатиб ўтиш керакки, бу даврда Суғд (Самарқанд) подшолари ҳам "ихшид" деб аталган. "Ихшид" атамаси суғдийлар (ҳамда фарғоналиклар) тилида "шаҳаншоҳ", "малик ул-мулук" ("подшолар подшоси") деган маънони англатган. "Ихшид" атамаси асрлар оша халқнинг хотирасида ҳамда тарихий адабиётларда сақланиб қолган. Масалан, XX аср бошларида таълиф этилган Исҳоқхон Жунайдуллоҳўжа ўғли Ибратнинг "Тарихи Фарғона" асарида куйидаги сатрларни ўқиймиз: "...Косонда Муғний кўрғони ва ўрдаси деб машҳурдир, қалин девор ва катта хишлар илан бино қилган, икки минг йиллар ўтуб, ҳоло ҳам муоянадир. Ани таърихлар кўрган кишилар бўлса ихшид деб зикр қиладургон

Р.А.Арслонзода – ФарДУ, тарих фанлари номзоди.
С.Б.Юлдашев – ФарДУ магистранти.

Сугд подшолари ҳам бул ерда ҳукмронлик қилган" [8.277]. Айрим маълумотларга кўра, Фарғона ихшидлари сулоласи асли кушонлардан бўлиб, бу ерда III асрдан буён узлуксиз ҳукмронлик қилишган [4.23].

Уша даврда (VII аср) бу диёрга ташриф буюрган хитой сайёҳи Сюан Сзын Фарғонанинг тупроғи унумдор ва серҳосил эканлиги, бу ерда кўп миқдорда сабзавот, мева ва гуллар етиштирилиши, машҳур отлар ва қора моллар боқилишини қайд этган. VIII асрда Фарғонага келган корейс сайёҳи Хуэй Чао унинг маълумотларини тўлдириб, бу ўлкада туя, хачир ва отлар парвариш қилиниши, пахта экилишини таъкидлайди. У аҳоли кўп тандир нон истеъмол қилиши, тери ва пахтадан кийимлар кийишини маълум қилади. Фарғоналиклар ҳунармандчилик, ички ва ташқи савдо соҳасида ҳам катта ютуқларга эришган эдилар. Бу ердан кўшни мамлакатларга отлар, бўёқлар, рангли шиша буюмлари ва ҳоказолар чиқарилар эди [9.369-370; 14.120].

Фарғона уша даврда Ўрта Осиёда катта ҳарбий куч ва сиёсий нуфузга эга бўлган қудратли мулклардан бири эди. Ғарбий Турк хоқонлигига вассал бўлишига қарамай, Фарғона ихшидлари танга зарб этиш, кўшни давлатлар билан дипломатик алоқа ўрнатиш, улар билан ҳарбий иттифоқ тузиш ҳуқуқига эга бўлганлар. Худди шундай ҳуқуқлардан Сугд, Тоҳаристон, Хоразм, Чоч, Илоқ ва бошқа вилоят ҳукмдорлари ҳам фойдаланганлар. Давлатнинг бундай тартибда тузилиши дастлаб Турк хоқонлигини қониқтирган, чунки кўчманчи чорвадор турклар ўтроқ зироаткор аҳоли яшайдиган катта ҳудудларни бошқариш борасида етарли тажрибага эга эмас эдилар. Аммо маҳаллий ҳукмдорларнинг кенг мухториятга эга бўлиши марказий ҳокимиятни заифлаштириб, Турк хоқонлигини мўрт, конфедератив давлатга айланишига олиб келди. Шундан сўнг хоқонлар маҳаллий сулоалар ҳуқуқларини чеклаш ва шу асосда ҳокимиятни марказлаштириш йўлини тутдилар.

618 йилда Ғарбий Турк хоқонлиги ҳукмдори Тунябғу сиёсий ислоҳот ўтказиб, аҳволни ўнглашга ҳаракат қилди. У Ўрта Осиёнинг маҳаллий ҳукмдорларига "элтабар" унвонини тақдим этди. "Элтабар" Турк хоқонлигида юқори даражали унвонлардан бири бўлиб, "элни, давлатни тутиб турувчи" маъносини англатар эди [5.10]. Ушбу тадбир орқали Тунябғу маҳаллий ҳукмдорларга улар мустақил бўлмай, балки хоқон тэмонидан

тайинланган вилоят ҳокимлари эканлигини таъкидлаб ўтди. Айни вақтда хоқон вилоятларга, шу жумладан, Фарғонага ўзининг ишончли вакиллари – тудунлар (тутуқлар) ни юборди. Улар маҳаллий ҳукмдорлар ҳузурида доимий фаолият юритиб, хоқон фармойишларини ўз вақтида бажарилиши, ўлпонларнинг мунтазам равишда унинг қароргоҳига юборилишини назорат қилар эдилар.

Тунябғу ислоҳоти кутилган натижани бермади: Турк хоқонлиги марказлашган кучли давлатга айланмади. Аммо бу сиёсий тадбир аста-секинлик билан Ўрта Осиё вилоятларида турк зодагонлари, жумладан, тудунлар мавқеининг кучайишига олиб келди. Баъзи вилоятларда, масалан, Чоч, Тоҳаристон ва Фарғонада турк зодагонлари маҳаллий сулоаларни ҳокимиятдан четлаштириб, уларнинг ўрнини эгаллаб олдилар. Ёзма манбаларда Фарғона ҳукмдорларининг исми-шарифлари дастлаб маҳаллий, кейинчалик туркий лафзда тилга олинishi ушбу фикрни тасдиқлайди.

VII асрнинг биринчи ярми ва ўрталаридан бошлаб Фарғонанинг сиёсий ҳаётида туркларнинг мавқеи тобора ошиб бораётганлиги ҳақида хитой манбаларидан маълумотлар олиш мумкин. Тунябғу вафотидан сўнг (630 йил) Фарғона шимолий ихшидлик ва жанубий подшолик мулкларига бўлинади. Шимолий Фарғона ихшидлиги чегараси шимолида Тангритоғ (Тяншан), жанубда Сирдарё билан, жанубий Фарғона подшолиги эса шимолда Сирдарё ва жанубда Помир-Олой тизмалари билан чегараланган эди. Фарғона жанубидаги подшоликнинг пойтахт шаҳарлари Эрши (Марҳамат) ва Хумин (Кува) бўлиб, уни Ашина Шуни (630-650), Аляоцен (640-660), Алатар (700-720) ва Арслон тархон (720-745) каби подшолар бошқарганлар. Шимолий Фарғона ихшидлигининг марказий шаҳарлари Ахсикат ва Косон бўлган. Бу ерда Ашина Шунининг ўғли Эбочжи (650-660) ҳукмронлик қилган [13.147].

Араблар истилоси арафасида Фарғона ва Ўрта Осиёдаги сиёсий аҳвол ана шундай эди.

VII асрнинг ўрталаридан бошлаб Араб халифалиги Хуросон ва Мовароуннаҳрни истило қилиш мақсадида ҳарбий юришлар бошлади. Араблар босқини бу ҳудудларда яшаётган халқлар учун оғир синов бўлди. Кучли душманга рўпара бўлган маҳаллий ҳукмдорлар босқинчиларга қарши курашда

бир-биридан ёрдам олишга, ғанимларга қарши курашда ягона коалиция тузишга ҳаракат қилдилар. VII асрнинг ўрталари ва иккинчи ярмида араблар ҳужумига дучор бўлган Сосонийлар давлати ва Суғд ҳукмдорларининг даъвати билан Фарғона подшолари ҳам арабларга қарши жанглarda иштирок эта бошладилар.

Фарғоналикларнинг араблар билан дастлабки ҳарбий тўқнашуви VII асрнинг 40-йилларида рўй берди. Бу борада тарихчи Табарий қуйидаги маълумотларни келтиради. 643 йилда Сосонийлар давлатининг ҳукмдори Яздигард III арабларга қарши ҳарбий ҳаракатлар олиб бориб, суғд ихшиди ва турк хоқонига элчи юборади ва улардан ёрдам сўрайди. Аммо тезда ёрдам келавермаганлиги боис, у Амударёнинг ўнг соҳилига чекинади. Кейинчалик турк хоқони Яздигард III га ёрдам беришга қарор қилади. Бу ҳақда Табарий қуйидагиларни ёзади: “У (хоқон – муаллифлар) турклар билан келди ва Фарғона ҳамда Суғд аҳолисидан [аскар] тўплади. Сўнгра улар билан юриш қилди. Яздигард ҳам Хуросонга қайтиб келиб юриш қилди: у дарёдан кечиб ўтиб, Балхда турди. Хоқон ҳам у билан бирга сувдан кечди. Куфаликлар Марваррудда, ал-Аҳнафнинг ҳузурига чекиндилар. Кофирлар (яъни Яздигард III ва хоқон қўшинлари – муаллифлар) эса Балхдан юриш қилиб, Марваррудга ал-Аҳнаф рўпарасига келиб тўхтадилар” [6.19]. Демак, фарғоналиклар турк хоқони қўшини таркибида илк маротаба 643 йилда Марварруд шаҳри яқинида араб босқинчиларига қарши жангда иштирок этдилар.

Табарий шу воқеа билан алоқадор яна бир қизиқ маълумотни келтиради. Марварруд воқеасидан сўнг турк хоқони ўз юртига қайтмоқчи бўлди. Шунда, афтидан, ўз кучига ишонмаган Яздигард ҳам у билан бирга кетиш истагини билдирди. Лекин унинг баъзи лашкарбошилари эътироз билдирдилар. Натижада ўртада низо чиқиб, лашкарнинг бир қисми шоҳни ташлаб кетади. Бундан фойдаланиб, араблар Яздигардга қарши ҳужум қилиб, уни енгадилар. „ У қочди, – деб ёзади Табарий, – ва дарёдан (Амударёдан – муаллифлар) кечиб ўтиб паноҳ излаб, Фарғонага, турклар ҳузурига келди. У ўша томонда [халифа] Умар ҳукмронлигининг охиригача қолди” [6.19]. Демак, Эрон шоҳи Яздигард 643-644 йилларда, бир йилча муддат давомида Фарғонада паноҳ топган. Яздигард ўзи билан бирга Фарғонага ҳарамини, шу жумладан балоғатга етган қизини ҳам олиб

келади. Кейинчалик бу қиз араб адабиётида “аруса ал-Фарғона”, яъни “Фарғона келини” номи билан машҳур бўлиб, адабий қаҳрамонга айланади [2.19].

Сосонийларнинг сўнгги шоҳи Яздигард III нинг тақдирига келсак, у кейинчалик Хуросонга қайтиб келиб, арабларга қарши курашни давом эттиради. 651йилда у Фарғона ихшидига хат юбориб, яна ундан мадад сўрайди. Бу илтимосга биноан Фарғона ҳукмдори унга ёрдам берганлиги ҳақида манбаларда маълумот учрамайди. Оқибат ўша йилнинг ёзида Яздигард III ўлдирилади, Марв шаҳри эса араблар қўлига ўтади. Шу тариқа Сосонийлар давлати барҳам топади.

Марв шаҳрини эгаллаб олган араблар Хуросонда мустаҳкам ўрнашиб олиб, ярим асрдан ортиқроқ муддат давомида Мовароуннаҳр (араб тилидан “дарёнинг нариги томони” деб таржима қилинади), яъни Амударёдан шимолдаги ҳудудларга талончилик юришларини амалга оширдилар.. Ҳар гал юриш қилганда, улар бой ўлжаларни қўлга киритиб, Хуросонга қайтар эдилар. Аммо 705йилдан Араб халифалигининг сиёсати ўзгарди. Хуросон ноиби этиб тайинланган Қутайба ибн Муслимга Мовароуннаҳрни забт этиш ва уни Араб халифалигига қўшиб олиш вазифаси юклатилди. 705-712йиллар орасида олиб борилган қатор қонли жанглardan сўнг араблар Балх, Пойканд, Бухоро, Шуман, Насаф, Хоразмни истило қилиб, Самарқанд шаҳрини қамал қилдилар.

Араблар босқини ўрта Осиё ҳукмдорларини жипслашишга ва душманга қарши ягона ҳарбий иттифоқ тузишга чорлади. Бундай иттифоқ тузилмаса, босқинчилар уларни бирин-кетин ўзларига бўйсундириши муқаррар эди. Бу борада араблар ҳужумига дучор бўлган суғдийларнинг Чоч ва Фарғона ҳукмдорларига юборган мактубидаги қуйидаги сатрлар эътиборга лойиқдир: „Араблар бизни енгса, сизларни ҳам шу кўйга солади, шу боис ҳеч бўлмаса ўзларингиз учун ҳаракат қилинглр” [3.382–384].

Юзага келган таҳликали сиёсий вазиятда Чоч ва Фарғона ҳукмдорлари, Турк ва Туркаш хоқонлари тўғри қарор қабул қилиб, истилонинг аввалидан арабларга қарши курашда фаол иштирок этдилар. Фарғоналиклар бир неча бор бухорхудотлар Қабаж хотун ва унинг ўғли Туғшоода ҳамда Суғд ихшидлари Тархун ва Ғуракка ёрдам учун етиб бордилар [12.98].

Араблар Самарқанд шаҳрига ҳужум қилганда, юқорида таъкидлаб ўтилганидек,

суғдийлар Чоч ҳукмдорлари, Фарғона ихшиди ва Турк хоқонидан мадад сўрадилар. Уларга ёрдамга юборилган қўшинга турк хоқонининг ўғли Инал хоқон бошчилик қилган. Табарийнинг ёзишича, турк лашкари "подшонинг ўғиллари ва унинг энг жасур ёш аскарларидан" иборат эди. Аммо ўз жосуслари орқали бундан хабар топган Қутайба уларга қарши ўз укаси бошчилигида сараланган араб қўшинини юборди. Араблар пистирма қўйиб, туркларни буткул тор-мор қилишга эришдилар [10.17].

Турклардан ёрдам ололмаган Ғурак бир неча жанглarda мағлубиятга учраб, араблар билан сулҳ тузишга мажбур бўлди. Унга кўра, Ғурак арабларга вассал бўлиш шарти билан Суғд ихшиди мансабида қолдирилди. Аммо ушбу шартнома имзоланганидан кейин ҳам суғдийлар қаршиликни тўхтатмадилар. Ғурак арабларга вассал бўлганидан сўнг босқинчиларга қарши курашни Панж вилоятининг ҳокими Деваштич давом эттирди.

Арабларга қарши курашда Деваштич ҳам Чоч, Фарғона ва Турк хоқонлигидан ёрдам олишга умид боғлади. Душманга қарши ягона коалиция тузиш мақсадида Чоч ҳукмдори, Фарғона подшоси ва турк хоқони ҳузурига ўз элчиси Фатуфарни юборди. Элчининг Чочдан Деваштичга юборган мактуби (А-14) Муғ тоғидан топилган ҳужжатлар таркибида бизгача етиб келган. Унда Фатуфарн Чочга етиб келганлиги, Чоч ҳукмдори (тудуни) га Деваштичнинг мактубини топширганлиги ва тудун ҳамда унинг ёрдамчисига "оғзаки айтиладиган гаплар"ни етказганлигини маълум қилади. Сўнгра элчи турк хоқони билан учрашишнинг иложини тополмай, вазият тақозоси билан хоқонга ва Фарғона подшосига тегишли мактубларни ўша кунларда Чочга келган Фарғона тутуғи орқали бериб юборганлиги ҳақида хабар беради [7.5-6].

Аммо Деваштичнинг умидлари рўёбга чиқмади, чунки Чоч ва Фарғона ҳукмдорлари ҳамда турк хоқони Суғд тахтига даъвогарлик қилаётган Деваштичга эмас, балки "қонуний" подшо Ғуракка ёрдам беришни маъқул топдилар. Шундай бўлса-да, Деваштич улардан ёрдам олиш иштиёқидан воз кечмади. У Самарқанд шаҳри яқинида жойлашган Хахсар қишлоғи ҳокими Афарунга юборган хатида Фарғона подшоси ҳамда турклар ва хитойликлардан ёрдам кутаётганлигини маълум қилади [11.238].

Араблар истилоси даврида Фарғона тарихида сезиларли из қолдирган ҳукмдор Алутар эди. У босқинчиларга қарши маҳаллий ҳукмдорлар коалиция тарафдори ва

иштирокчиси эди. Ёзма манбаларда унинг номи ат-Тар, Алутар, А-лео-та, Аллода шаклида зикр этилади. Аммо Алутарнинг ҳукмронлик қилган йиллари, унинг этник келиб чиқиши хусусида тадқиқотчилар ўртасида яқдиллик йўқ. Айрим олимлар унинг ҳукмронлик даврини 700-726, бошқалари 710-739, учинчилари эса 710-726 йиллар, деб белгилайдилар. Алутарнинг келиб чиқиши масаласида тарих фанида у Фарғонада бир неча асрдан буён ҳукмронлик қилиб келган маҳаллий сулола вакили бўлган, деган фикр мавжуд. Охири пайтларда эса баъзи олимлар Алутар этник келиб чиқишига кўра туркдир, деган нуқтаи назарни илгари сурмоқдалар. Бизнингча, ушбу баҳсли масалаларга ойдинлик киритиш учун қўшимча тадқиқотлар олиб бориш зарур.

713-714 йилларда араб босқинчиларига қарши олиб борилган ҳарбий ҳаракатларда Суғд, Чоч, Фарғона ва турклар иттифоқи муҳим ўрин тутган. Қутайбанинг Чоч, Усрушона ва Фарғонага қилган юришларига улар биргаликда қарши турганлар.

Катта ҳарбий тажрибага эга бўлган Қутайба ибн Муслим ўз қўшинини босиб олинган вилоятлар аҳолиси ҳисобига тўлдириб, 713 йилда ўз нигоҳини Чоч ва Фарғонага қаратди. Унинг асосий мақсади арабларга қарши коалициянинг ҳарбий жиҳатдан кучли бўлган иштирокчилари – чочликлар, фарғоналиклар ва туркларга зарба бериш эди. Қутайба катта қўшин тўплаб, икки йўналишда ҳужум бошлади. Урушга сафарбар қилинган кешликлар, насафликлар ва хоразмликлардан иборат биринчи (шимолий) гуруҳ Қутайбанинг укаси Абдурахмон бошчилигида Чоч томонга юборилди. Қутайба қўмондонлик қилган ва асосан араблардан иборат бўлган иккинчи (жанубий) гуруҳ эса Хўжанд ва Фарғонага қараб йўл олди [10.20]. Фарғонага қилинган юришнинг муҳимлигини унга шахсан Қутайбанинг ўзи бошчилик қилганидан ҳам билиб олиш мумкин. Қолаверса, бу, Фарғонада арабларга қарши жиддий кучларнинг мавжуд бўлганлигидан дарак беради.

Шимол томонга юборилган ҳарбий кучларнинг ҳаракатлари тўғрисида манбаларда батафсил маълумот йўқ. Улар Чоч шаҳрини эгаллаб, унинг атрофларидаги аҳоли яшайдиган кўп жойларга ўт қўйдилар. Қутайба бошчилик қилган жанубий гуруҳ эса Хўжандни эгаллаб, Косонга яқинлашди. Шу ерда Чочга юборилган аскарлар қайтиб келиб, Қутайба қўшинига қўшилди. Ибн Ҳавқал ва

ФАЛСАФА, СИЁСАТ, ТАРИХ

Истахрийлар берган маълумотларга кўра, шундан сўнг Қутайба Усрушона воҳаси ва ушбу вилоятнинг тоғолди ҳудудларида ҳарбий ҳаракатлар олиб борган. Манбаларда Қутайба Фарғонага араб ноибини тайинлагани, Чоч ва Фарғонада араб манзилгоҳлари барпо этилганлиги ҳақидаги маълумотлар мавжуд. Аммо Қутайбанинг қўлга киритган бу ғалабаларидан қатъий назар, чочликларва фарғоналиклар душманга бўйин эгмай, қаршиликни давом эттирдилар [10.20].

714йилда Қутайба яна бир марта Чочга ҳужум уюштирди. У Чочни эгаллаб, Исфижоб (ҳозирги Сайрам)га юриш қилди. Бундан асосий мақсад бу шаҳарни забт этиб, туркларнинг ўрта осиеликларга ёрдамга келадиган асосий йўлини тўсиш эди.

715йилнинг бошида Қутайба иккинчи марта Фарғонага юриш қилди. Фарғона ҳукмдори қочишга мажбур бўлди. Манбаларда ушбу юришнинг тафсилотлари келтирилмаган бўлса-да, араблар Фарғонанинг катта қисмини (жанубий ва шарқий ҳудудларни) босиб олганликларини тахмин қилиш мумкин. Иккинчи юриш бошланишидан олдинроқ халифа Волид ибн Абдумалик вафот этиб, тахтни унинг укаси Сулаймон ибн Абдумалик эгаллаб олди. Аммо марҳум Волид ўлимидан олдин тахтни ўзининг ўғли Абдулазизга васият қилиб, бу борада барча ноиб ва лашкарбошиларга мактуб йўллаган эди. Ироқ ҳокими ал-Ҳажож ва унга бўйсунган шарқий ўлкалар ноибни Қутайба ибн Муслим ушбу

мактубга биноан Абдулазизга байъат қилган эдилар. Натижада Фарғонада турган Қутайба янги халифа Сулаймонга қарши исён кўтарди. У Сулаймоннинг одамларидан хавфсираб, ўзининг сила аъзолари ва қариндош-уруғларини Марвдан Самарқандга кўчиртириб келди. Аммо, бу чора-тадбирлар унинг ўзини ҳалокатдан сақлаб қололмади.

Ушбу воқеалардан анча олдин, Бухорони фатҳ этиш учун жанг қилаётган Қутайба ва унинг лашкари бухорхудот ҳамда унга ёрдамга келган Самарқанд ихшиди Тархун қўшинларининг кучли зарбаларига учрайди. Мағлубиятга учраши мумкинлигини англаб етган Қутайба ҳийла ишлатишга қарор қилади. У Ҳайён исмли обрўли бир арабни Тархун ҳузурига элчи қилиб юборади. Тархун билан музокара олиб борган Ҳайён иттифоқчилар ўртасида низо уруғини сочиб, Самарқанд ихшиди билан сепарат сулҳ тузади ва Қутайбани оғир аҳволдан қутқаради. Аммо Волид вафот этганидан кейин Ҳайён Сулаймон томонига ўтиб, Қутайбанинг душманига айланади. Наршахийнинг маълумотларига кўра, Ҳайён янги халифа тарафдори бўлган аскарларга бош бўлиб, Қутайбага қарши жанг қилади ва уни ўлдиради. Табарийнинг ёзишича, Қутайбанинг боши Сулаймонга юборилади. Наршахий эса унинг танаси Фарғонадаги "Работи Сарҳанг" деган жойда, Коҳ номли қишлоқда кўмилганлигини маълум қилади [6.158, 1.132].

(Давоми бор).

Адабиётлар:

1. Абу Бахр Наршахий. Бухоро тарихи. Форс тилидан А.Расулев таржимаси. Масъул муҳаррир А.Уринбоев //Мерос. – Т.: Камалак, 1991.
2. Аҳмедов А. Аҳмад ал-Фарғоний. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1998.
3. Бартольд В.В. К истории арабских завоеваний в Средней Азии //Соч. – М.: Наука, 1964. Т. II (2).
4. Бернштам А.Н. Древняя Фергана (Научно-популярный очерк). – Т.: Фан, 1951.
5. Бобоёров. Ф. Тун ябғу-хоқон. – Т.: Абу матбуот-консалт, 2011.
6. История ат-Табари. Пер. с араб. В.И. Беляева с дополн. О.Г. Большакова, А.Б. Халидова. – Т.: Фан, 1987.
7. Исҳоқов М.М. Унутилган подшоликдан хатлар (Бир туркум суғд ҳужжатларининг ўзбек тилига таржимаси ва изоҳлари). – Т.: Фан, 1992.
8. Исҳоқов Жунайдуллоҳхўжа ўғли Ибрат. Фарғона тарихи. Нашрга тайёрловчилар Ҳайдарали Бобобеков, Маҳмуд Ҳасаний //Мерос. – Т.: Камалак, 1991.
9. Гафуров Б.Г. Таджики: древнейшая, древняя и средневековая история. Кн. I. Душанбе: Ирфон, 1989.
10. Гафуров Б.Г. Таджики: древнейшая, древняя и средневековая история. Кн. II. Душанбе: Ирфон, 1989.
11. Лившиц В. А. Согдийская эпиграфика Средней Азии и Семиречья. Санкт-Петербург, 2008.
12. Отахўжаев А. Фарғона подшоси Алутарнинг илк Ўрта асрлар тарихидаги ўрни// "Фарғона водийси - янги тадқиқотларда" мавзусидаги иккинчи республика илмий анжумани. – Фарғона, 2012.
13. Отахўжаев А. Илк Ўрта асрларда Шимолий Фарғона ихшидлиги масаласига оид мулоҳазалар // "Фарғона водийси тарихи – янги тадқиқотларда" мавзусидаги республика илмий анжумани материаллари. – Фарғона, 2009.
14. Ҳўжаев А. Фарғона тарихига оид маълумотлар (Қадимий ва илк Ўрта аср Хитой манбаларидан таржималар ва уларга шарҳлар). – Фарғона, 2013.

(Тақризчи: М.Исомиддинов, тарих фанлари доктори, профессор).